

ҲАЙВОН НОМЛАРИНИНГ РАМЗИЙ МАЪНО ИФОДАЛАШИДА ЛИНГВОМАДАНИЙ ОМИЛЛАР

Шахзода МУХАММАДАЛИЕВА

ўқитувчи

Алишер Навоий номидаги

Ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

muhammadaaliyeva2696@gmail.com

Аннотация

Мақолада ҳайвонларнинг рамзий маъно ифодалашидаги лингвомаданий омиллар таҳлил қилинган. Улардаги маъно жиҳатлари мақоллар ва асарлардан олинган мисоллар орқали ёритилган.

Таянч сўзлар: рамз, халқ, шер, айик, қўй, тулки, ит.

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ВЫРАЖЕНИЯ СИМВОЛИЧЕСКОГО ЗНАЧЕНИЯ НАЗВАНИЙ ЖИВОТНЫХ

Шахзода МУХАММАДАЛИЕВА

преподаватель

Университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

muhammadaaliyeva2696@gmail.com

Аннотация

В статье анализируются языковые факторы символического выражения животных. Их значения объясняются на примерах из пословиц и произведений.

Ключевые слова: символ, человек, лев, медведь, овца, лиса, собака.

Ҳар бир халқ ўзининг тарихий ўтмиши, дунёқараши, маданияти, мифологик образларига эга. Ўзбек адабиётида ҳайвонлар билан боғлиқ образлар нисбатан кўпроқ. Бунга сабаб халқимизнинг азалдан чорвачилик, овчилик билан шуғуллангани ҳисобланади. Ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда улар билан боғлиқ рамзий маънолар шаклланиган.

Шер — кўпчилик халқларнинг маданиятида куч-қудрат, савлат, салтанат

рамзи, ҳайвонлар подшоҳи ҳисобланади. Бошқа томондан эса эса

шафқатсизлик, ваҳшийлик, ҳайвоний ҳаёт тарзини намоён қилади. Жуфт арслон ҳукмдор кучнинг икки қарра ортиқлигини, шунингдек, эшиқлар, дарвозалар ва хазиналар қўриқчисини англатади. Хитойда шер жасорат, қувват, куч-қудратни тамсил этади. Уйланган эркак куч-қудратни ифодалаган шернинг тимсоли саналади. Японияда шер ҳайвонлар подшоҳи, саллагул (пион) билан тасвирланган

шер эса гуллар маликасининг рамзидир. Эронда шер шоҳоналик рамзи, Қуёш ва ёруғликнинг кучидир [4; 147] .

Буддизмда эса шер қонуннинг ҳимоя қилувчиси, руҳий иштиёқ, Будданинг донишмандлиги, олдинга ҳаракат қилиш ва жасоратни билдиради. Яҳудийликда куч-қудрат ҳамда бешафқатлик рамзи. Исломда ёвузлик ҳимоячиси бўлиб акс этади [9] .

Шер ўзбеклар учун куч-қудрат, ҳукмронлик, жасурлик, қувват рамзи бўлиб келади. У ўрмон ҳайвонларининг шоҳи бўлгани учун унинг ҳукмронлик рамзи анчайин кенг тарқалган. Ит ҳам ўз кўчасида ўзини шер билар [3; 419] мақолида ит ва шернинг зидланиши унинг рамзийлиги ва бадииятини янада оширган. Яъни ҳаммадан кўрқадиган, кўлидан кўп иш келмайдиган, пасткаш инсонлар ҳам ўзидан кучли инсонлар бўлмаса, ўзини мард инсон сифатида кўради. Ит-шер зидланишида ит лексемаси орқали шерга нисбатан кўркиш, пастлик маъноси намоён бўлган. Ўрмонга шер ярашар, деҳқонга ер ярашар [3; 149] мақолида эса ҳар бир ишни ўзининг устаси бажариши кераклиги, ҳар бир инсон ўзи тушунадиган соҳани бошқариши зарурлиги акс этган. Ҳукмронликни (бошқаришни) шер (раҳбарлик қобилятига эга бўлган шахс), деҳқончиликни эса деҳқончиликдан хабари бўлган инсон қилиши керак. Акс ҳолда “Маймун билан нажжор” ҳикоятидагидай кулгили ва ачинарли ҳолатга тушиб қолиш ҳеч гап эмас [1; 51] .

Шер жуда кучли ҳайвон бўлгани учун ҳам ўрмондаги бошқа (кучсиз ва кичик) ҳайвонлар ундан жуда кўркишади унинг қандай аҳволдалигидан қатъи назар. Ҳаётда ҳам айрим шундай кучли, бақувват, кўркмас инсонлар борки, улардан атрофдагилар жуда кўркишади. Улар касалликка чалинсалар ҳам, кучсизланиб қолсалар ҳам ҳайиқиш тўхтамайди. Ана шундай ҳолатларга нисбатан: “Шернинг ўлиги ҳам отни ҳуркитади” [6; 288] мақоли

кўлланилади.

Қўй — айникса, кўчқор қадимги туркий халқлар томонидан Кўк тангрига бағишланган қурбонликдир. Олтойликлар Улгенга оқ қўй, Ерликка қора қўй сўйиб қурбонлик қилишган. Туркий халқларнинг айрим сулолалари куч-қудрат ва алпликнинг рамзи бўлган кўчқорни ўзларига герб қилиб олганлар. Шунингдек, ўзбек халқ эртақларида кўк кўчқор — афсонавий ҳомий жонивор сифатида акс эттирилган [4; 152] .

Мисрда қўй ижодий куч, Қуёшнинг қувватини янгиловчи ижодий иссиқликни мужассамлаштиради. Қадимги Грецияда қўй маъбуди ҳисобланган Зевс—Сабазияга тақдим этилган, шунингдек, унумдорлик ва бунёдкорлик кучи ҳисобланган. Кипрда қўй Афродитанинг тимсоли бўлган [8] .

Қўй — юмшоқлик, камтарлик, ёлғончилик, гуноҳкорлик, беҳушлик, сурувнинг насроний рамзи, шунинг учун руҳий етакчиликка муҳтож. Қўйлар, асосан, аҳмоқлик билан боғлиқ бўлса-да, мўғуллар қўйнинг кўкрак суяги башоратли суяк эканлигига ишонишади.

У ўзбек лингвомаданиятида ювошлик, ожизлик, кучсизлик, кўрқоклик, қурбонлик рамзи бўлиб келади. Уюрли қўйдан бўри ҳам кўрқар [3; 317] мақолида агар ожиз инсонлар ўзаро ҳамжиҳатлик билан бирлашса, аҳиллик билан иш қилса, ҳеч қандай куч уларни кўрқитолмаслиги, енголмаслиги қўй ва бўри зидланиши орқали берилган.

Ўзбек халқи азал-азалдан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган. Чорва молларидан энг кенг тарқалгани мол ва қўй бўлгани боис улар иштирокида бир нечта мақоллар яратилган. Минг қўйлининг бир қўйлига иши тушар [3; 372] мақолида буни кўриш мумкин. Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, жуда бой, ҳамма нарсаси етарли бўлган инсонлар ҳам камбағал, бисотида у қадар кўп нарсаси бўлмаган инсондан ёрдам сўраши, иши тушиши мумкинлиги (бой ва камбағал

инсон минг қўйли, бир қўйли тарзида) рамзий акс этмоқда.

Қўйнинг жуни қалин бўлгани учун уни семириб-озганини билиш осон эмас. Кўпинча билинмайди ҳам. Лекин озган қўйга яхши қаралса, боқилса, маълум муддат ўтгандан сўнг, албатта, семиради. Худди шу каби инсоннинг ҳаётида ҳам ҳар хил вазиятлар, ҳолатлар бўлади. Хурсандчилик, бахт орқама-кетин келса, одамнинг боши кўкларга етиб, янаям яшагиси келади. Лекин моддий-маънавий қийинчилик, етишмовчиликлар узоқ вақт давом этса, инсон тушкунликка тушиб қолади. Бу уларнинг юзларидан яққол билинади. Қўй бир терининг ичида неча озиб, неча семиради [6; 335] мақоли айнан шундай пайтда уларга нисбатан ҳали бу кунлар ўтиб кетиши, сабр қилинса, бахтли ҳаётда яна қайтадан яшашни давом эттиришлари мумкинлигига ишонтириб айтилади.

Тулки кўпгина маданиятларда айёрлик, алдоқчилик, ёлғончилик тимсоли сифатида талкин қилинади. Хитойда узоқ умрнинг тимсоли ҳисобланади. Шунингдек, хитой мифологиясида тулкининг қизга айланиб қолиши кенг тарқалган.

Хитойликларнинг қадимий ишончларига кўра, тулки эллик ёшида аёлга, юз ёшида ёш қизга айланади. Минг йил яшаган тулкида тўққизта дум пайдо бўлади ва у Самовий Тулки (тен-ху)га айланади. Самовий Тулки нафақат аёл киёфасига, балки эркак киёфасига ҳам кира олади [5; 144].

Баъзи Хитой манбаларида тулки салбий образ сифатида, баъзи манбаларда эса ижобий образ сифатида намоён бўлади. Японияда оқ тулки тўкин-сочинликни англатади. Япон синтоизмида у халқ томонидан севилган маъбуддир. Бинобарин, Япониядаги ибодатхоналар дарвозасига гуруч омборининг калитини тишлаб турган тулки тасвири ўрнатиб қўйилади [8].

Ўзбекхалқи учун айёрлик, ёлғончилик, устамонлик, иккиюзламачилик рамзи бўлиб келади. Баъзи одамлар ўзининг ишига шу даражада пишиқ ва пухта бўладикки, муаммосини ҳал қилиш учун ҳар қандай айёрлик, хийла-найрангга тайёр бўлади. Уларнинг ўша вазиятдаги ҳолатига тан бермасдан ҳеч иложи йўқ. Бун таниқли олим ва ёзувчи Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” асаридаги мисол орқали ҳам кўриш мумкин: “... ўтирганлар Муҳаммаджон аканинг устамонлигига, пихини ёрган, муғомбирлигига, қари тулкилигига ҳамма тан берган, сўнгра бу воқеани узоқ йиллар давомида Япониянинг сақичидек ҳеч кимга бермай чайнаб лаззатланган бўлардилар”. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида ҳам шахсга тулки образи орқали баҳо берилган. “Шайбонийхон маккор тулкида. Хонзодабегим она томондан бизга авлод, ота томондан теурийларга мансуб. Бегимни олса, обрўси ошишини билган”.

Айрим инсонлар ўзи туғилиб ўсган, вояга етган юртини бошқаларга ёмонлайди, ундаги камчиликлар, яшашдаги қийинчиликларни бошқа давлатлар билан солиштираверади. Лекин инсон учун туғилган жойи азиз эканлиги, Ватандан яхшироқ жой йўқлиги, ношукрлик қилмаслик зарурлигини: “Тулки инига қараб хурса, қўтир бўлади” [6; 257] мақоли орқали англатишади.

Жамиятда жуда ҳам мақтанчоқ инсонлар анчагина топилади. Улар ўзларининг оддийгина, у қадар аҳамиятли, бошқалар учун фойдали бўлмаган ишлари, ютуқлари, ҳаракатларини ҳам доимо қаерда бўлмасин айтиб, мақтаниб юрадилар. Ана шундай инсонларга нисбатан: “Тулки ўз қуйруғин мақтар” [6; 258] мақоли ишлатилади. Бу ерда тулки жуда ҳам мақтанчоқ (бўлар-бўлмасга ҳадеб мақтанаверадиган) инсонни билдирыпти. Ушбу рамзийликнинг юзага чиқишида

тулкининг думи чиройли эканлиги асос вазифани бажаряпти.

Ит — насроний анъаналарида бағишланиш, ҳимоя қилиш, хушёрлик каби рамзий маънога эга. Қадимги ғояларда у кейинги ҳаёт билан боғлиқ эди. Унинг кўрикчиси ва ўликларнинг руҳини олиб борадиган йўлбошчи сифатида кўрилган. Қадимги юнон афсоналарида жаҳаннамга даҳшатли уч бошли ит кирган. Улар, шунингдек, қабрлар ва чорраҳаларга тез-тез ташриф буюрган ўлим маъбудаси Ҳесата билан бирга эди. Скандинавияда тажовуз билан боғлиқ эди. Итларнинг ҳар куни ва ҳар жойда инсон билан бирга бўлиши, руҳлар дунёсини билиши уларнинг кейинги ҳаётда энг яхши йўлбошчилар деб ҳисобланишига сабаб бўлди.

Итлар — Япония ва Хитойда ҳимоя қилиш рамзи бўлиб, уерда обрў ва эътиборга эга. Итоаткор ит қонунга содиқликнинг рамзи бўлиб, Будданинг айтишича, ўлимдан кейин ит каби яшайдиганлар итга айланади. Бошқа жойларда, айниқса, Африкада тўғридан-тўғри худолар билан боғланган ва Сибир афсоналарида итнинг ақли уни яратгувчи ёки оловни ўғирлаб кетиш рамзи қилиб қўйди [9].

Ит лексемаси ўзбек халқ мақолларида ноқобил фарзанд, танбал, дангаса, ёмонлик қилувчи, пасткаш одамларни рамзий маънода билдирган. “Ит отасини танимас” [6; 123] мақолида ит сўзи кўп бойликка эришган, юқори мансабга ўтиргандан кейин устозлари, атрофидаги яқинлари, дўстлари ва ҳатто отасини ҳам менсимай қўйган, улардан ўзини анча юқори ҳисоблайдиган, уларга паст назар билан қарайдиган фарзандни билдиради.

Дунёда меҳнаткаш ва тиришқоқ одамлар қанча бўлса, дангаса ва ишёкмас одамлар ҳам шунча. Баъзи инсонлар ҳар доим эртанги куни, келажаги ҳақида қайғуриб, уни мазмунли ўтказишга, пойдеворни мустаҳкам қилишга ҳаракат қилишади. Айримлар эса ҳеч нарсага парво

қилмай, берсанг ейман, урсанг ўламан қабилида иш тутиб, қилиши керак бўлган ишларини ортга сураверадилар ва охирида ҳамма ишлар тўпланиб ёки бирор фалокатга учраши аниқ бўлиб қолгандагина, ҳаракат қилишга тушиб қолишади. Ана шундай ҳолатларда шундай инсонларга нисбатан: “Ит тумшуғига сув етганда суза бошлайди” мақоли ишлатилади.

Уй ҳайвони бўлган ит ўзбеклар учун ижобий ва бир вақтнинг ўзида салбий коннотацияларга эга ҳисобланади. Ижобий рамз сифатида у инсонга бутун умр вафо ҳамда садоқат билан хизмат қиладиган, ҳар қандай вазиятда ҳам уни ташлаб кетмайдиган ҳайвон ҳисобланади. Саид Аҳмаднинг “Қоракўз мажнун” ҳикоясида айнан шу ҳақида ёзилган. Ушбу ҳикояга эпиграфлардан бири сифатида қуйидаги гаплар олинган. Ҳадиси шарифдан: “Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу Ашоби қаҳфнинг вафодор итидир”. (Ал-жоме ал кабир) Қоракўзни Саодат ая шунчалик яхши кўрадики, қизи Қумри уни уришганда: “Агар Қоракўзни яна супурги билан урсанг, унга косов отсанг, билиб қўй, укаларингникига кетиб қоламан”, деб айтади. У касал бўлиб қолганда ит бир ой дераза тагида “кўкрагини қорга бериб” ётган. Қоракўз Саодат ая вафот етгач ҳар куни уни қидириб, болалариникига бориб келади. Умрининг охиригача кампирни қидиради.

Салбий рамз сифатида эса пасткашлик, аблаҳлик, урушқоқлик, хор-зорликни билдириб келади. Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” асарида шундай парча бор. “Қани у итдан тарқаган?.. — Юсуф овози борица бақирди ва шу заҳоти кўзларидан потраб ёш шикди, — алдашни нима эканлигини кўрсатаман харомхўрга!”. Ёзувчи Тоғай Муроднинг “Бу дунёда ўлиб бўлмайди” асарида эса “Т-фу! Итдан бўлган қурбонликка ярамаслар! — деди”. “Мана, идеалсизлик оқибати — совет халқи бир-бирини итдай талаб бошлади.

Билардим итдай ўлиб кетишингни, итдан фарқинг йўқ эди! Ўлдир, мени ҳам ўлдир, қотил! — ... Кўк Турсун ўзини Бўстонга отди”, каби парчалар берилган.

“Юлдузли тунлар” романида Шайбонийхон Амударёдан нарида имиллаб юрган, қийин вазиятда ёрдамга келмаётган ўттиз минг лашкарни ит дея атайди: “Ҳозир бутун давлатимиз, бутун сулоламиз хавф остида-я, наҳотки шуни фаҳмамасанглар? Ҳаёт-мамотинг ҳал бўладиган пайтда, ё шоҳ мени йўқ қиладиган, ёки мен шоҳни нест-нобуд қиладиган аснода шундай аразлаб юришларинг итлик эмасми? Сен итлар ҳали кўрасенлар, шу қамалдан эсон-омон қутулсак, ҳаммангни тавбангга таянтиргаймен!”

Хулоса қилиб айтганда, насрий асарларда, шеърий ва ўзбек халқ мақолларида қўлланилган ҳайвон номлари

билан боғлиқ бўлган рамзий образлар услубий бўёқдорликнинг ортишига, ҳиссий таъсир доирасини кучайтиришга ёрдам беради, улар миллий қадриятларимизга алоқадор бўлган аҳамиятли жиҳатлар, халқ анъаналари, дунёқараши, яшаш тарзига доир маълумотларни ўзида бирлаштиради. Уларни лингвокултурологик жиҳатдан таҳлил қилиш орқали тил ва маданиятнинг ўзаро муносабати, халқ тафаккурининг ифодалашда ёрдам беради. Ҳар бир миллатнинг тил бойлигида мавжуд бўлган бундай рамзий образлар жамият ҳақида хулоса чиқаришга, инсон феъл-атвориға хос бўлган ижобий ва салбий жиҳатларни очиб беришга хизмат қилади, тил бирликларини тил эгаларининг маданияти, қадриятларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ahmedov S., Qo'chqorov R., Rizayev Sh. Adabiyot: 6-sinf uchun darslik. 2-qism. — Toshkent: Ma'naviyat, 2017. — 157 b.
2. Махмудов Н., Худойберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. — Тошкент: Маънавият, 2013. — 320 б.
3. Mirzaev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. O'zbek xalq maqollari. — Toshkent: Sharq, 2005. — 512 b.
4. Usmanova Sh. Lingvokulturologiya. — Toshkent, 2019. — 246 b.
5. Усманова Ш. Таржиманинг лингвомаданий аспектлари. — Тошкент: ТДШИ, 2015.
6. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз? — Тошкент: Ғафур Гулом, 1987. — 352 б.
7. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. — Тошкент, 1990. — 527 б.
8. <http://symbolist.ru/animals>.
9. www.gumer.info/bibliotek_Buks/Culture/JekTresidder/index.php.

